Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 1 ноябрь, сешанба №162 (21.736) Сотувда эркин нархда.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

31 октябрь куни Исроил давлатининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Моше Гец мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи Исроил давлати катта иқтисодий имкониятларга эга бўлган Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини таъкидлар экан, унинг муваффақияти дунёда, жумладан, Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталик қарор топишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтди. Ўзбекистон олиб бораётган кўп томонлама ва очиқ сиёсат мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар ривожига омил бўлишини қайд этди.

Ислом Каримов жаноб Моше Гецни масъулиятли ва шарафли лавозимга тайинланиши билан қутлар экан, Ўзбекистон Исроилнинг араб мамлакатлари билан ўрнатаётган тинчлик сиёсатини қувватлашини таъкидлади.

— Биз Исроилнинг етакчи фирмалари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатмоқдамиз, — деди Ўзбекистон Президенти. — Бу мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда бизга қўл келади. Биз иқтисодиётни сиёсатга аралаштирмаслик тарафдоримиз.

Президент Ислом Каримов Моше Гец жанобларининг Ўзбекистон — Исроил муносабатлари ривожига катта ҳисса қўшишга умид билдирди.

* * *

Иордания ҳошимийлар подшоҳлигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Валид Мажид Ас-Саад Ал-Батайниҳ Ислом Каримовга ишонч ёрлиғи топширди.

Жаноб Валид Мажид Ас-Саад Ал-Батайниҳ Ислом Каримовга ва Ўзбекистон халқига Иордания ҳошимийлар подшоҳи Ҳусайн Бин Талолнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди. Подшоҳ ва валиаҳд аъло ҳазратлари номидан мамлакатимиз халқини истиқлолнинг уч йиллиги билан табриклади. Масъулиятли вазифага киришар экан, мамлакатларимизни ўзаро ҳамкорлиги ривожланган икки дўст давлат даражасига етказишда Ўзбекистон раҳбариятининг мададига умид билдирди.

Ислом Каримов мамлакатларимиз тарихи ва маданиятларидагина эмас, балки сиёсатларида ҳам монанд жиҳатлар мавжудлигини таъкидлади.

— Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир, — деди Ислом Каримов, — Шу сабабли биз Иордания билан Исроил ўртасида яқинда имзоланган тинчлик битимини қувватлаймиз. Бу Яқин Шарқда ва бутун дунёда тинчлик қарор топишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти элчи орқали Иордания ҳошимийлар подшоҳига, валиаҳд аъло ҳазратларига ва бутун Иордания халқига қизғин салом ва эзгу тилаклар йўллади. Элчининг хайрли ишида муваффақият тилади.

* * *

Шу куни Албаниянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Арбен Панди Цици ҳам Ўзбекистон Президентига ишонч ёрлиғини топширди.

Ишонч ёрлиғини топширар экан, жаноб Арбен Панди Цици Ўзбекистон раҳбарига Албания Республикаси Президенти Сали Берешнинг қизғин саломини етказди. Албания халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаётган Ўзбекистон билан барча соҳаларда ўзаро манфаатдорликка асосланган дўстона муносабатлар ўрнатиш тарафдори эканини айтди ва элчи сифатида бу борада барча чора-тадбирлар кўришга тайёрлигини билдирди.

Ўзбекистон Президенти жаноб Арбен Панди Цицини Албаниянинг Ўзбекистондаги илк элчиси этиб тайинлангани билан қутлади. Албания Ўзбекистонга хосилдор замини, гўзал табиати, бой қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, меҳнаткаш ва самимий халқи билан маълумлигини, бу Албаниянинг демократия ва барқарорликка асосланган янги жамият қуришида омил бўлишини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатия муносабатларининг ўрнатилиши бир-биримизни янада яхшироқ билишга ҳамда самарали ҳамкорлик қилишга имкониятлар яратади, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларингиз Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи томонидан қўллаб-қувватланишига шубҳа йўқ.

(ЎзА).

Суратларда: ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларидан лавҳалар.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИ ОЧИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XIII пленуми бўлиб ўтди.

У Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалоловнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан ахборотини тинглаб, тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов иштирок этдилар.

ТАБРИК

31 октябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ким Ир Хекни қабул қилди.

Элчи Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташкил топганлигига уч йил тўлиши муносабати билан Корея меҳнат партияси Марказий Комитетининг партиямиз Марказий Кенгашига йўллаган табригини топширди.

Бўлиб ўтган суҳбатда Марказий Кенгаш биринчи котиби Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида тузилган партиямиз қисқа муддатда жамиятимиздаги нуфузли сиёсий кучга айланганлиги, мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришларда фаол иштирок этаётганлиги ҳақида гапириб берди. Партиямизнинг навбатдан ташқари иккинчи съезди, деди у, муҳим аҳамиятга эга бўлади, чунки унда республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар муносабати билан ташкилотларимизнинг асосий вазифаларини белгилаб беради.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

ТАНТАНАЛИ КЕЧА

Кеча Тошкентдаги муҳташам "Туркистон" саройида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган куннинг уч йиллиги шарафига тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойи делегатлари ва меҳмонлар иштирок этдилар.

Тантанали кечада Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов йиғилганларни қутлуғ сана билан табриклаб, Республика Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўлажак сайловларда партиямизга, унинг депутатликка барча номзодларига омад тилади.

Қурултой делегатлари ва меҳмонлари республика саноат усталари ҳамда ижрочи ешларнинг истиқлол ва истиқбол, тинчлик ва ҳамкорлик, она-Ватан ғурури ва бунёдкорлик завқи ҳақидаги қуйқўшиқлари-ю мафтункор рақсларини мароқ билан тинглаб, томоша қилдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

Сўз — қурултой қатнашчиларига

УМИД ВА ИШОНЧ КАТТА

Ёқуббой Қутлимуродов, Ҳазорасп туман партия кенгашининг биринчи котиби: — Республикамизда нуфузи тобора ошиб бораётган партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойи ва унда кўриладиган долзарб вазифалар ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Чунки бўлғуси сайловолди дастуримизни белгилаб олиш, партиямизнинг Низомига ўзгартишлар киритилиши бениҳоя муҳимдир.

Туманимизда ХДП аъзолари сони ўсиб бораяпти. Кўпроқ ғайратли ёшлар, обрў-эътиборли, ҳалол кишиларнинг сафимизга қўшилиши ва улар билан баҳамжиҳат ишлаш олдимизда турган юмушларнинг ечимини топишда яхши омил бўлаяпти.

Юлдузхон Худоёрова, Фарғона вилояти Охунбобоев тумани хотин-қизлар қўмитасининг раиси: — Туман партия кенгаши билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган. Қайси бир тадбир бўлмасин биргаликда ўтказишга ҳаракат қиламиз. Қурултойнинг кўтаринки руҳда ўтишига ҳеч шубҳам йўқ. Партиямиз фаоллари ўтган қисқа вақт ичида жойларда амалга оширган ишларни кўриб шундай деяпман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда яна ҳам якдил, баҳамжиҳат бўлиб юртимизнинг муносиб фарзандларини депутат қилиб сайлаш учун бутун куч-ғайратимизни сафарбар этишимиз лозим. Ана шунда мустақиллигимиз янада мустаҳкамланиб, иқтисодий ислоҳотларимиз жадал рўёбга чиқаверади.

Фотима Ортиқова, Ғузор туманидаги Очил Кўчкинов номли жамоа хўжалиги ёшлар ташкилотининг котиби: — Кейинги пайтда Ўзбекистон Халқ демократик партиясига ёшларимиздан хайрихоҳлар сони ортиб боряпти. Айниқса, эл-юрт деб ёнадиган тенгқурларимнинг партия сафига қабул қилинаётганлиги унинг нуфузини оширади, деб ўйлайман. Ташкилотимиз ёшлари хўжалик партия ташкилоти билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар. Миллий истиқлол мафкураси ғояларини кишилар онгига етказиш бизнинг ҳам иш режамиздан мустаҳкам ўрин олган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойида қатнашадиган Абдурахмон Ақлбоев, Сафарали Рустамов, Рая Ўринова, Мансур Остонов каби делегатлар ҳам қурултойнинг ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли ўташига, партиямизнинг сайловолди дастури пишиқ-пухта белгилаб олинишига ҳамда бўлажак сайловларда ғалаба қозонишимизга катта ишонч борлиги ҳақида гапирдилар.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ ёзиб олди.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг чегара қўшинлари бош қўмондони генерал-полковник Андрей Николаевни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг жанубий чегараларини биргалашиб қўриқлаш масалалари ҳамда Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазият юзасидан фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

БУХОРО ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни қўлга киритган катта меҳнат ғалабангиз — мамлакатимизнинг улкан хирмонига 350 минг тоннадан зиёд пахта тўкиб, маррага етганингиз билан чин дилдан самимий табриклайман.

Бухоро меҳнаткашлари эришган бу зафар нафақат вилоят, балки республикамиз тараққиётида катта аҳамият касб этади. Сизларнинг ота-боболаримиз анъаналарига содиқ қолиб, бу йил ҳам сифатли мўл ҳосил етиштириб, уни давлатга топширишда пешқадамлар сафида бўлганингиз барчамизни қувонтиради. Табиат қийинчиликларини енгиб, ҳосилни етиштиришдан то йиғиштириб олгунгача бўлган ишларда ғайрат-шижоат, аҳиллик ҳамда омилкорлик намуналарини кўрсатганингиздан мамнунмиз.

Вилоят меҳнаткашлари халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида, шунингдек, маънавий қадриятларимизнинг тикланишида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Ишонаманки, эл-юрт фаровонлиги, мустақил давлатимиз равнақи, унинг буюк келажаги учун бундан кейин ҳам бор куч ва билим, тажрибаларингизни аямайсизлар.

Ҳаммангизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, баракали меҳнатингиз роҳатини кўришни тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

(Бухоро вилояти пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағишланган мақолаларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Сизларни 280 минг тонналик катта хирмон кўтариб, пахта тайёраш режасини бажарганингиз билан чин дилдан қутлайман.

Ватанимиз иқтисодий қувватини оширишда пахтачиликнинг тутган ўрни беқиёс. Шуни ҳисобга олиб, халқимиз кўп улуғ режаларни сизлар етиштирадиган "оқ олтин"га боғлаган. Демакки, қишлоқ меҳнаткашлари зиммасига юкланган масъулият ҳам улкан. Сизларнинг меҳнат зафарларингиз шу масъулиятни теран англаб меҳнат қилаётганингиз аломатидир.

Нияти пок наманганликларнинг иши ҳамиша ўнгидан келган ва қадр топган. Улар доимо ҳалол меҳнатларининг самарасини кўрган. Иншооллоҳ, келажакда ҳам омадингизни бериб, сизларга бахту саодат доимо ёр бўлур.

Юртимизни обод ва фаровон кўрмоқлик бахти ҳар биримизга насиб этсин.

Сизларни меҳнат зафари билан яна бир карра чин дилдан табриклайман.

Бахт-саодат ҳамроҳингиз бўлсин. Хонадонларингиздан файз ва барака аримасин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

(Наманганлик пахтакорларнинг меҳнат зафари ҳақида газетамизнинг келгуси сонида ҳикоя қиламиз).

СУРАТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Партиямиз ташкил топганлигининг уч йиллиги ва навбатдан ташқари II қурултойи арафасида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биносида фотокўргазма очилди. У "Ўзбекистон Халқ демократик партияси — мустақиллик фарзанди" деб номланган. Бу кўргазмадаги суратларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг ХДП Раиси, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бо чилигидаги ҳукуматимизнинг халқчил ички ва ташқи сиёсатини фаол қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ЎзХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга тадбиқ этиш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, юртимизда ҳукмрон бўлиб турган тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлашдаги иштироки каби кўпқиррали фаолияти акс эттирилган.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

Суратда: қурултой қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА БЕРИЛАДИГАН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол товарлари ва хизматларнинг бозор нархларини шакллантириш шароитларида аҳоли турмуш даражасини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 ноябридан Ўзбекистон Республикаси аҳолисига берилаётган амалдаги ҳар ойлик компенсация тўловлари 1,5 баравар — 100 сўмдан 150 сўмгача кўпайтирилсин.

2. Кўрсатилган компенсацияларни тўлашнинг амалдаги тартиби ва шартлари сақлаб қолинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга компенсациялар миқдори (150 сўм)нинг 50 фоизи республика бюджети ҳисобидан қопланади, даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар чоғида ана шу миқдор истисно қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч кун муддатда мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришларни компенсациялар тўлашнинг муваққат тартибига киритсин ва уларни вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига етказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги Фармонининг 1 ва 6-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 31 октябрь.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси

Ислом КАРИМОВ:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ демократия, озодлик, ижтимоий тараққиёт ва адолат ғояларининг барча тарафдорлари учун очиқ... Бу партия вақт синовларидан ўтган, халқ томонидан қўллаб-қувватланган илғор фикрларни ўзига дастур этиб олади

ТЎПДАН ЧИҚСАНГ ҲАМ КЎПДАН ЧИҚМА

"Ўзбекистон овози" газетасининг қурултойолди анкета саволларига Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти вазифасини бажарувчи, академик Жўра АБДУЛЛАЕВ жавоб беради.

— Партия ташкилотимизнинг қурултойдан-қурултойгача бўлган фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Бу саволга тўғридан-тўғри жавоб беришдан олдин бироз ортга, Халқ демократик партияси ташкил этилаётган пайтларга назар ташлаш лозиммикин, деб ўйлайман. Ўшанда янги партияга аъзо бўлишга иккиланганлар ўзини демократман, дея жар солдилар. Балки КПССнинг яккаҳокимлик давридаги мавқеларини қайтариб ололмасликка кўзлари етгани учун шундай йўл тутишгандир. Балки, шахсий манфаатларига хизмат қиладиган қулай пайт келишини кутиб, ўзларини панага олгандирлар.

Лекин, шуни таъкидлаш лозимки, собиқ иттифоқ даврида ҳам софдил, виждон-иймонли, одамлар дарди-ташвиши билан яшаганлар партия аъзолари ичида кўпчиликни ташкил этарди. Айни пайтда ҳам улар сони кўп. Бироқ, илгари раҳбар-коммунист маълум чегараланишлар гирдобидан четга чиқолмасди. Яна катта қусур — иқтидорли, сергайрат, тадбиркор бўлган оддий ишчи, хизматчи ёки илмий ходим агар партияга аъзо бўлмаса, умр бўйи раҳбарлик лавозими унга лойиқ кўрилмасди. Демак, унинг тадбиркорлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз салоҳиятини кўтариш учун интилишлари амалга ошмай қоларди. Улар ўз мақсадларини рўёбга чиқариш учун КПСС сафига киришга мажбур эдилар. Эндиликда мустақиллик шарофати билан эл-улус, юрт учун жон куйдирадиган фидойиларга, шу жумладан, барча партия аъзоларига ҳам имконият эшиклари кенг очилди. Бинобарин, ёш авлод партиямиз Дастури ва Низомининг нақадар демократик асосда ишлаб чиқилганига ишонч ҳосил қилгач, ҳеч иккиланмай ўз тақдирларини ХДП билан боғлашга киришдилар. Партия ташкил этилган дастлабки босқичда ёшлар сони кам фоизни ташкил этган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 30 фоиздан ошиб кетди. Ўтган вақт ичида ўз манфаатлари қобиғидан чиқолмаганлар эса партия сафларини тарк этдилар. Партия маънавий софланиб, сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. Бизнингча, партиянинг қурултойдан қурултойгача бўлган фаолиятини энг муҳим икки устивор йўналиш қамровлари билан баҳолаш лозимдир.

Биринчидан, ХДПнинг Дастури, Низоми ва унинг туб мақсадлари халқимиз ўйи, орзу-умидлари, талаб ва истакларига ҳамоҳанг бўлганлиги ва шу боис халқимиз ўртасида партиянинг обрўйи ва унга бўлган ишончи ўсаётганлигидир.

Иккинчидан, партия сафларини кўпроқ ёшлар тўлдириб бораётгани ХДП ўз келажаги пойдеворини таъмал тошларидан бунёд этаётганидан далолат беради.

— Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ҳақида фикрингиз?

— Юртбошимиз кўп марта таъкидлаганидек, бой тарихи, бебаҳо маънавий меъроси бўлган халқнинг келажаги ҳам порлоқдир. Миллий истиқлол мафкурасининг ғоявий мазмуни марказига худди ана шу омиллар қўйилгани буюк қадриятларимизга билдирилган юксак ҳурмат ва эътирофдан нишонадир. Истиқлол мафкураси маънавий меъросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ривожлантириш, бойитиш, уни келажак авлодга етказишни мақсад қилиб қўйган. Айни замонда унинг ҳаётийлигини таъминлашга эришиш учун партия аъзоларидан кўп қиррали фаолиятни талаб этади. Мазкур фикрни далиллаш мақсадида фақат биргина мисол келтирмоқчиман. Чунончи, республикамиз Президенти, партиямиз Раиси Ислом Каримов ташаббуси билан жорий йил — Улуғбек йили, деб эълон қилинди. Буюк аллома ва давлат арбоби таваллудининг 600 йиллигини жаҳон миқёсида нишонлаш юзасидан Бош вазир Абдулҳошим Муталов раҳбарлигида тузилган Республика ташкилий қўмитаси бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширишга бош-қош бўлди. Жумладан, Нукус шаҳрида Улуғбекка ҳайкал ўрнатилди, ажойиб боғ ташкил этилди. Самарқанд, Бухоро, Ғиждувондаги Улуғбек асос солган мадрасалар қайта тикланди ва таъмирланмоқда. Унинг буюк илмий фаолияти билан боғлиқ расадхона ва музейга қайта жон ато қилинди. Ана шу тадбирлар орасида фанлар академиясининг фаол иштирокида Тошкент ва

Самарқандда ташкил этилган халқаро илмий конференция Мирзо Улуғбекнинг табаррук номи ва жаҳоншумул ишларини яна бир карра дунёга ёйишга хизмат қилди. Анжуманларда Ер юзининг 15 мамлакатидан таниқли олимлар қатнашдилар. Улар Улуғбекнинг мунажжим, математик, тарихчи олим сифатида, фанлар тарихидаги буюк хизматларини юқори баҳоладилар. Унинг салтанатни бошқарган давридаги тинчликсевар сиёсати ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини алоҳида уқтирдилар. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, шу кунларда Парижда ЮНЕСКО қарори билан Улуғбек ҳафталиги бўлиб ўтди. Шунда Ўзбекистон вакилларига темурийлар хонадони билан боғлиқ маънавий-маданий мерос ва бой қадриятларимизни, ҳозирги илмий ва маданий ҳаётимиз намуналарини яна бир карра жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида намойиш қилиш имкони туғилди.

Шу ва шунга ўхшаш катта тадбирларда Халқ демократик партияси аъзолари ва фаоллари айниқса, жонбозлик кўрсатганини таъкидлашни истардим. Ўйлайманки, юқоридаги сингари хайрли тадбирлар Миллий истиқлол мафкураси негизини ташкил қилар экан, демак, партиямиз халқ ишончига сазовор ва мангуликка дахлдордир.

— Партия аъзоси сифатида ўз ишингиздан қониқасизми?

— Баъзан қониқаман, баъзан йўқ. Республика ўрта махсус ва олий таълим вазири бўлиб ишлаганимда ўқув дастури ва умуман, ўқувни ташкил этиш тизимининг дунё мезонларига жавоб беришини таъминлаш борасида муайян ишларга қўл урилган. Улардан энг асосийси эса ислоҳотлар ўтказиш эди. Баҳоли қудрат муҳим тадбирларни амалга оширдик. Чунончи, институтларга қабул танловлари тест синовлари асосида жорий этилди, кўп поғонали таълим тизими асослари, ўқув юртлари фаолиятини баҳолаш (аттестация) ва мавқеини аниқлаш (аккредитация) тамойиллари ишлаб чиқилди ва ҳоказо. Айни пайтда Ўзбекистон Фанлар академиясида фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш, илмий-тадқиқот натижаларини халқ хўжалигида қўлланиш, илмий-техник салоҳиятни республикамиз эҳтиёжлари учун сарфлашга йўналтирилган қатор ишлар қилинмоқда. Марказий Кенгаш аъзоси сифатида нуфузли анжуманларда маърузалар билан чиқишимга тўғри келди. Партиямиз ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирларда қатнашдим. Партия сафларини кенгайтириш ва сифат жиҳатдан мустаҳкамлашда ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилдим. Аммо булар ҳали оз, имкониятларимни тўла ишга солдим, дейишга асос бўлолмайди.

— Ўзбекистон ХДПнинг келажагини қандай тасаввур этасиз?

— Анкетанинг биринчи саволига жавобимда бу ҳақдаги мулоҳазаларимни айтгандим. Лекин бир фикрни қўшимча қилишим мумкинки, халқ орасига тобора чуқурроқ кириб бораётган, унинг ташвиши, қувончига шерик бўлаётган ва айни пайтда қўлидан келган ёрдамини аямаётган Халқ демократик партиясининг келажаги ёруғ кунлардан иборат бўлишига ишончим комил. Бунинг учун эса миллатидан, касби-кори, лавозимидан қатъи назар, партиянинг барча аъзолари бирдек жонбозлик кўрсатишлари лозим бўлади. Ишонаманки, "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" шиорини рўёбга чиқариш учун мустақил Ватанимиз барча фуқаролари қаторида Халқ демократик партияси аъзолари ҳам ғайрат-шижоат билан хизмат қиладилар, ўз тажриба, билим ва салоҳиятларини аямайдилар.

А. МАННОПОВ суҳбатлашди.

Туман партия кенгаши аъзолар сафини ўстирар экан, талабчан ва садоқатли кишиларга таянмоқда. Шу ўринда тумандаги мактабгача тарбия муассасаларида олиб борилаётган ишлар ибратли. "Наврўз" номли 18-болалар боғчасида 266 нафар кичкинтойлар тарбия топмоқда. Илгари маълум қолипдаги дастур асосида ишланарди. Мустақиллигимиз туфайли миллий, маҳаллий урф-одатларга кенг ўрин берилмоқда. Болалар онгига миллий удумларни сингдириш борасидаги семинар фикримизнинг далили. Партия аъзоси Осиёхон Юсупова "Йил тарбиячиси" кўрик-танловида қатнашди. Бошқа кўрик-танловлар ҳам уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, бутун жамоанинг 14 нафар аъзоси ХДП сафига ўз хоҳиши билан кирди.

21-"Булбулча" болалар боғчасининг ташкил этилганига

ҚАЛБ ВА ҚИЁФАНИНГ БУС-БУТУНЛИГИ

эндигина бир йил б лди. Барча қулайликларга эга бу маскан кичкинтойларнинг севимли уйига айланган. Боғчада 12 та гуруҳ бор. Барча машғулотлар кўргазмали қуроллар, методик қўлланмалар билан ўтилади. Мусиқа, спорт зали бежирим безатилган. Кутубхона, қўл меҳнати хонаси, музей, техника воситалари хонаси, қўйингчи, болаларни ҳаётга, меҳнатга, билимга қизиқтириш учун имкониятлар бор.

Яқинда шу жамоанинг 14 нафар аъзоси ХДП сафига кириш учун бирин-кетин ариза олиб келишди. Партия билетлари уларнинг иш жойларида тантанали топширилди. Бошланғич ташкилот тузилди. Котибликка кўп йилдан бери тарбиячи бўлиб ишлаб келган Ҳафиза Деҳқонова сайланди. У партия билети олар экан, ҳаяжонланиб шундай деди: "Қаранг, партия билетини олсанг тўлқинланиб кетасан киши. Унга "Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир", деб ёзиб қўйилибди. Шунга яраша ишлайлик энди..."

Ўзбекистон ХДП туман кенгаши одамлар онгига Миллий истиқлол мафкурасини сингдириш, мустақиллик эзгуликларидан уларни тўла воқиф этиш йўлини тутмоқда. Бир сўз билан айтганда, қалб ва қиёфанинг бус-бутунлигини ўйлаяпмиз. Шу жиҳатдан Хўжанд қишлоқ фуқаролар йиғини, жамоа хўжалиги, туман маданият бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган олтин, кумуш ва никоҳ тўйлари, фахрийларни нафақага кузатиш айёми эсда қоларли из қолдирди. Биз бу каби тадбирларда миллий истиқлол мафкураси тўғрисида қисқача маърузалар ҳам уюштирдик.

О. ОХУНОВ,
Тўрақўрғон туман партия кенгашининг иккинчи котиби.

Партиямиз фаоллари

ЭЗГУЛИККА УНДАЙДИ

Халқ демократик партиясининг уч йиллиги байрами оммавий тус олаётгани кишини қувонтиради. Ҳозирги кунларда ушбу сана кўпчиликнинг тилида. Бу эса партиямизнинг етакчи сиёсий кучга айланиб бораётганлигидан далолатдир.

Уч йил муқаддам бизга янги сиёсий куч — Ўзбекистон Халқ демократик партиясини тузиш ва уни оёққа турғизишдек масъулиятли вазифа насиб этди. Бу катта шараф, албатта. Фақат халқчил партиягина кўпчиликнинг манфаатларини ўзида акс эттиради ва ҳимоя қила олади. Мен ҳам кўплар қатори партия сафига кирганимда ана шу ҳақда ўйлаган эдим.

Партиядошларим мени дастлаб туман, вилоят партия анжуманларига вакил қилиб сайладилар. Сўнгра партиямизнинг биринчи қурултойида иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. Бу ерда ҳам менга катта ишонч билдиришиб, Марказий Кенгаш аъзоси ва Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси этиб сайлашди. Мана, уч йилдирки, ана шу юксак ишончни оқлаш йўлида астойдил ҳаракат қилиб келмоқдаман.

Партия даргоҳи — ҳаммамиз учун катта ҳаёт мактаби, тарбия ва чиниқиш ўчоғи. Партия кишини доимо яхши ишлашга даъват этади. Ўз халқига меҳр ва садоқат билан хизмат қилишга, қатта муаммолар устида дадиллик билан иш олиб боришга, сафарбарлик ва жасорат кўрсатишга ундайди. Босиб ўтаётган уч йиллик йўлимиз ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр ҳаёлимдан ана шу фикрлар ўтди.

Бошқа маслакдош дўстлар қатори бевосита одамлар ҳузурида бўлиб, ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боришда, партия ички ҳаёти, ташкилий, мафкуравий ишлар юзасидан Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми мажлисларига масалалар тайёрлашда фаол иштирок этдим. Буларнинг бари сўзсиз ҳаёт фаолиятимда унутилмас излар қолдирди.

Дастлабки қурултойдан кейин оралиқдаги ана шу қураш ва ҳаракат йўлларини ўйлаганда, шу нарса аён бўладики, аввало, партиямиз, унинг Марказий Кенгашида самимийлик, бир-бирига нисбатан катта ишонч ва ҳурмат, ўзгалар фикрига эътибор билан қараш, талабчанлик, янги ташаббусни қўллаб-қувватлаш каби ажойиб фазилатлар барчамизга ҳамроҳ бўлди. Бундай муҳит эса кишини доимо руҳлантиради, янги вазифаларга отлантиради.

Сиёсий ижроқўм аъзоси сифатида шахсан ўзим қишлоқ ёшлари ҳаётини жиддий ўрганиш, уларга ишчи ўринлар яратиш, таълим-тарбияга янги давр талаби нуқтаи назаридан ёндашиш сингари масалаларни кўтариб чиқдим. Ҳамкасбларим бу борадаги уринишларимни қўллаб-қувватладилар. Партиянинг Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги серқирра ва масъулиятли ишларда ҳам озми-кўпми ҳиссам борлигидан бахтиёрман.

Мана бугун яна бир катта довон, улкан синовлар олдида турибмиз. Партиямиз ўзининг навбатдан ташқари II қурултойини ўтказмоқда. Бундан асосий мақсад Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда фаол қатнашиш, ўз вакилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан дастуримизни, вазифаларимизни белгилаб олишдан иборатдир.

Музаффар СИНДОРОВ,
Сирдарё туманидаги "Синдоробод" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уч йиллиги ҳамда партиянинг навбатдан ташқари II қурултойи арафасида бутун республикамизда, жумладан, Фарғона вилоятида ҳам партия аъзоларининг ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати, меҳнат қўтаринкилиги янада ошди. ва тарғиботга эътиборни қаратдилар.

Катта байрам арафасида Ўзбекистон ХДПга қизиқиш кучайди. Кўплаб ҳайирхоҳлар, айниқса, ёшлар партия сафига кирдилар.

СУРАТДА: Олтиариқ туман партия кенгаши биринчи котиби Турғунбой Раҳимов "Янгиобод" жамоа хўжалигида ишловчи ёш ҳайдовчи Шукрулло Давлатовга партия билетини топширмоқда.

Ғанижон Муҳаммад ҚОДИРИЙ олган сурат.

Қурултой делегатлари ҳақида ҳикоялар

БОҒБОННИНГ БАХТИ

Чироқчининг Шўрқудуқ даштларига Зарафшон суви етиб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Оби-ҳаётнинг жонбахш қадами туфайли бу даштларда ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган жаннатмонанд боғ-роғлар бунёдга келдики, кўрган кўз қувонади. Шўрқудуқнинг Олмазор қишлоғида яшовчи ёш боғбон Эшмурод Қурбоновнинг боғига кирган киши ўзгача меҳр ҳимояси остида қулф уриб яшнаб турган узумзору олмазорларни кўриб, деҳқон қўлларининг мўъжизасига тасанно айтади.

Эшмурод 1985 йилда мактабни битириб жамоа хўжалигида оддий ишчи бўлиб ишлай бошлади. Хўжалик эса мева ва сабзавот етиштиради. Эшмурод уста деҳқонлардан боғ-роғларни парваришлаш сир-синоатини ўрганишга зеҳн қўйди. Астойдил ҳаракат бесамара кетмади. Муҳими, унда деҳқончиликка меҳр уйғонганди.

Ҳарбий хизматдан кейин у Қарши аграр иқтисодиёт олий билимгоҳининг қишлоқ хўжалиги факультетига сиртдан ўқ[illegible]га кириб, хўжаликда боғбонлик қила бошлади. Шунингдек, у Олмазор қишлоғи ёшларининг бошини қовуштира оладиган, уларнинг дарди-дунёси учун куйиб-пишадиган жонкуяр қалб эгаси эканлигини намойиш этди. Ўзбекистон ХДП сафига ҳам биринчилардан бўлиб кирди. Ҳозир "Шўрқудуқ" жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотида 40 га яқин аъзо бор. Бошланғич партия ташкилотида Эшмурод Қурбоновга хўжалик ёшлари билан ишлаш вазифаси юклатилган. Тенгқурлари унга ишонишади. Унинг ташаббус ва таклифларини жон-дилдан қўллаб-қувватлашади.

Деҳқон (фермер) хўжаликларига эътибор қаратилгандан сўнг Эшмурод қишлоқ ёшларига мурожаат этиб, бу иш ёшларнинг ўзларини кўрсатишлари учун қўл келишини тушунтирди. Ўзи ҳам узум ва олма экилган 12 гектар майдонга боғбонлик қила бошлади. 100 туп олма, 1400 туп узум экилган боғ эндиликда кучга тўлиб, ҳосилга кирди. "Кишмиши", "Ҳусайни", "Ризамат ота" каби узум навлари аралаш экилган бўлсада, ҳосилдорлик йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу йил 10 гектар майдондан 36 тоннадан зиёд сара узум, 5 тонна олма терив олиб, Шаҳрисабз вино ҳамда консерва заводларига топширди. Бир қисмини эса арзон нархда хўжалик аъзоларига сотди. Бригаданинг соф даромади 45 минг сўмдан ошиб кетди. 7 нафар бригада аъзосининг ўртача маоши 300-350 сўмдан тушади.

Айни кунларда Эшмурод бошқараётган бригада аъзолари токларни қирқиш ва кўмиш ишлари билан банд.

Чироқчи туман партия кенгашининг пленуми иштирокчилари бир овоздан Эшмурод Қурбоновни Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари иккинчи қурултойига делегат қилиб кўрсатди. Эшмурод боғбон қурултойда сўз берилса, чироқчилик ёшларининг бунёдкорлик ишлари, ютуқ ва муаммолари тўғрисида сўзламоқчи.

Ғози РАҲМОН.

НУФУЗ... МЕҲНАТДАН

Яхши кунларда ҳамсояни йўқламоқ, борини баҳам кўрмоқ бағри кенг халқимизнинг азалий удумларидан. Ўзбекистон ХДП Жарқўрғон туман кенгаши биринчи котиби Жўра Эргашевнинг фикрича, у аъзо бўлган партия миллий қадриятларни тиклаш, ривожлантириш, халқ урф-одатлари, удумларини тартиб ва ташвиқ этиш сифатларига кўра ҳам энг халқчил партиядир.

Эргашев доимо фикрини мисол билан мустаҳкамламоқни хуш кўради. Бу галги мисоли ҳам чакки эмас: туман партия кенгаши Денов мой оқлаш заводидан 3,5 тонна мой, 15 тонна кунжара ва 9 тонна шелуха опадиган бўлди (бултур кенгаш ўзининг ёрдамчи деҳқончилик хўжалигидан 87 тонна пахта ҳосили етиштирган эди-да). Мойни кўп билан баҳам кўрдилар. Масалан, пахта етиштирганларга 10 килограммдан тақсимланди. Партия фахрийларининг уйига тегишлича улуш олиб борилди. Ёшлар Иттифоқи ва ҳатто туман ҳокимлиги ходимларига ҳам 85 килограмм мой сотилди. Жарқўрғон туман партия кенгаши етиштирган пахта ҳосилининг бу йил ҳам чўғи баланд.

Олимжон УСАНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ХДП тадбиркорни қувватлайди

КОРХОНАНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқнинг барча қатламлари орасида иш олиб боради. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар вакилларининг кўплаб суратда партиямиз сафига киришлари бежиз эмас. Лекин, гапнинг очиғи, тижоратчи ва тадбиркорлар орасида партиямиз аъзолари ёки унга хайрихоҳлар унча кўп эмас, деб ўйлардим. Марғилон шаҳридаги "Шоҳруҳ-имдж" Ўзбекистон-Югославия ишлаб чиқариш ва тижорат қўшма корхонасидаги ХДП бошланғич ташкилоти иши билан танишганимдан сўнг фикрим ўзгарди. Қўшма корхона бош директорининг суяги савдо-тижорат ишида қотган. Энг ишбилармон кишилардан бири. Тўйчибой Ғофуров шу ердаги партия ташкилотининг тузилишига бош-қош бўлган экан.

— Бир куни Тўйчибой ака одатдаги чет эл сафаридан қайтгач, ҳаммамизни тўплаб, ўзлари борган, ривожланган ғарб мамлакатидаги тадбиркор ва тижоратчилар фаолияти ҳақида сўзлар экан бир фикрни айтиб қолди, — дейди корхона ХДП бошланғич ташкилоти котиби У. Қориев, — чет эл тижоратчилари одатда бирон бир партиянинг этагини ушлашар, шу партияга ўзлари ҳам моддий-маънавий мадад беришиб, ўз навбатида партиядан тегишли сиёсий мадад олишар экан. Менимча тараққиёт, албатта, шунга олиб боради. Биз ҳам бирор сиёсий партия билан чамбарчас боғлиқ бўлишимиз керак. Корхона ишбилармонлари раҳбар фикрини маъқуллашди. Ўзбекистондаги мавжуд партиялар дастурлари, низомлари, халқ орасидаги мавқеи ўрганиб чиқилгач, корхона аъзолари бир овоздан Ўзбекистон Халқ демократик партияси умумхалқ манфаатларини, демак, тадбиркорлар манфаатини ҳам энг яхши муҳофаза эта оладиган партиядир, деган хулосага келишди. Корхона ишчи-хизматчилари йиғилишида кўпчилик шу партия сафига ўтишга қарор қилди. Натижада тижорат ишлаб чиқариш корхонасида 13 кишидан иборат ХДП бошланғич ташкилоти тузилди.

"Шоҳруҳ-имдж" қўшма корхонаси Франция технологияси асосида 240 кишилик ишчи ўрнига эга. У аёллар замонавий кийим-бошлари тикиладиган фабрика қуряпти. Ҳозирги пайтда корхонанинг бичувчилик цехи ишлаб турибди. Цехда кўрпа-ёстиқ жилди, шифохоналарда, кийиладиган енгил халатлар, туфлилар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона Эроннинг "Муҳаммадризо" фирмасибилан ҳамкорликда шаҳарда дўкон очган.

- Яқинда Эрондан бир партия қадоқланган хамиртуриш олиб келинди. Ҳозир биласиз ўзимизда оддий хамиртуришнинг ярим килоси қанча пул? Эрон хамиртуришнинг сифати эса баланд. Шунга қарамай, биз хамиртуришни бозор нархининг ярми баҳосида сотдик. Чунки, инсоф сари барака деганлар, — дейди Тўйчибой Ғофуров.

Корхонанинг ишлари жуда яхши кетяпти. Албатта, қўшма корхона даромад ва буромадлари ҳақида очиқ ёзиб бўлмас экан. Чунки, бу уларнинг тижорат сири. Аммо, ишчиларнинг ўртача ойлиги 400-500 сўмданга тўғри келишини ҳисобга олсак, чиндан ҳам корхона ойдин йўлга чиқиб олди.

— Бошланғич партия ташкилоти орқали ХДП Марғилон шаҳар кенгаши билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз, — деб сўзида давом этди Тўйчибой ака. — Кўпгина хайрия ишларини, турли тадбирларни ўтказишда қўлимиздан келган моддий ёрдамни аямаймиз. Улар ҳам ўз навбатида корхонани қўллаб-қувватлашяпти. Шу ўринда бир фикрни айтиб кетай. Югославиянинг Новисад шаҳридаги тижоратчи Бабич билан иш кабинетида ўтирсак, чет элдаги ҳамкорлардан бири унга телефон қилиб қолди. Айтишича, маҳаллий банк келтирилган маҳсулот эвазига ўтказиладиган пулни сотувчига уч соат кейин ўтказибди. Бабич шу ондаёқ ташвишланиб, ҳозирнинг ўзидаёқ ушбу банкдан маблағимизни олиб, бошқа банкка қўйинг, дея ходимларига буйруқ берди. Зум ўтмай ҳалиғи пул ўтказишни кечиктирган банк бошқарувчиси етиб келиб Бабичдан кечирим сўрашга тушди. Бу ишда айбдор банк ходимини эса ишдан бўшатибди. Бизнинг банклар учун намуна бўладиган ҳол. Шу масалада фикрларимизни бошланғич партия ташкилоти орқали шаҳар партия кенгаши эътиборига ҳавола қилдик. Улар эса ўз навбатида банклар фаолиятини яхшилаш хусусида юқори ташкилотларга таклифлар киритган. Демак, корхона билан партия ҳамкорлиги мана шундай ўзаро узвийлик касб этмоқда.

Тижоратчилик ва партия алоқалари хусусидаги суҳбатимиз узоқ давом этди. Маълум бўлишича, қўшма корхона Тошлоқ туманида ойнга минг квадрат метр тери ишлаб чиқарадиган цех ҳам қурмоқда. Цехни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уч йиллиги кунига ишга туширишмоқчи. Бу бизнинг партия тўйига совғамиз бўлади, дейди бош директор.

Алишер ИБОДИНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

БУНЁДКОР ВАТАНПАРВАРЛАР ПАРТИЯСИДИР

ЎзХДП 3 йиллиги

ИЖТИМОИЙ АҲВОЛ — ГУРУҲ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши ҳузурида тарғибот-ташвиқот гуруҳи тузилди. Мазкур гуруҳ таркибида олимлар, партия фаоллари ва бошқалар бор. Улар дастлаб Задарё туманининг "Хоразм" жамоа хўжалигида бўлиб, пахтакорлар, шаҳарлик ҳашарчилар билан учрашдилар, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказдилар. Наманган шаҳридаги 26-болалар уйи бадиий ҳаваскорлик дастаси йиғилганларни ўз чиқишлари билан хушнуд этишди. Шундан сўнг гуруҳ таркибидаги тиббиёт ходимлари жамоа хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолининг фарзандлари соғлиғини тиббий кўрикдан ўтказдилар.

Шунингдек, вилоят болалар жамғармаси томонидан кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларга кийим-кечак берилиб, моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамолхон БОҚИЕВ,
Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши масъул ходими.

ЭЪТИҚОДИ ИМОНДАЙ БУТУН

Шундай одамлар борки, улар фақат ўз қишлоғи ёки хўжалигинингина эмас, балки бутун туман ва вилоятнинг фахри ҳисобланишади. Шундайлардан бири Жиззах вилоятидаги Зафаробод туманига қарашли С. Раҳимов номли ижара ширкатлари бирлашмаси раҳбари, Халқ демократик партияси аъзоси Ҳабиб Жумановдир.

— Ҳабиб ака билимдон ва ўта маданиятли инсон, тажрибали пахтакор, — деб таърифлайди туман ҳокими Собиржон Абдусатторов. — Одамлар орасида обрў-эътибори баланд, эътиқоди имондай бутун инсон.

Оддий деҳқонга ҳоким берган баҳони ўзимча таҳлил қила бошлайман. Бир вақтлар Ҳабиб ака Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги "Красногвардейск" давлат хўжалигида илғор бўлим бошлиғи бўлган. Ёш бўлсада, йиғинларда мақталиб, давраларда ўрни бўлган. Газета-журналларда у ҳақда кўп ёзилган. Мукофотлар, раҳбарларнинг илиқ гаплари биринчи галда ана шу ишбилармон кишига аталган. Лекин, кўнглига чўл ишқи тушгану, ҳозирги Зафаробод туманига келган. Шунга ҳам 20 йил тўлибди. Шунча йилдан буён битта бўлимга бошқарувчилик қилади. Бултур бўлимнинг номи ўзгартирилиб, ширкат деб атала бошлади.

Шу йиллар давомида ўзи билан бирга келган 6 нафар қишлоқдоши ҳам ҳамиша ёнида. 160 гектар майдонни биргалашиб ўзлаштирган азаматлар ҳосилдорликни дастлабки йилдаги 12 центнердан 34 центнергача кўтаришди. Ватанимиз мустақил бўлган 1991 йилда ана шу энг кўп ҳосилдорликка эришган Ҳабиб акага "Республикада хизмат кўрсатган пахтакор" фахрий унвони берилди.

У бошлиқ жамоа фақатгина бултур йиллик режани бажара олмай қолди. Агар об-ҳаво нотантилик қилмаганда... Афсуски, ширкат аъзолари давлатдан 13 тонна (икки фоиз) пахта қарздор бўлиб қолишди. Лекин, бултурнинг аламини бу йил бир неча баробар ортиғи билан чиқаришмоқда. Ҳосил мўл бўлган экан, биринчи теримдаёқ ҳар гектардан 28 центнердан "оқ олтин" йиғиб-териб олинди ва йиллик режа ошиғи билан бажарилди. Ҳосилнинг барчаси машиналар билан терилиб, биринчи навга топширилди.

Ҳабиб ака кўкламги учрашувларимиздан бирида "Бу йил ҳар гектар пахтазордан бир тонна тола олишни ният қилиб турибмиз", деган эди. Куни кеча ширкат бўйича йиғиб олинган ҳосил гектарига 31 центнерни ташкил этиб, пахтакорларга кўкламги ниятлари йўлдош бўлди. Улар гектаридан яна уч центнердан хирмон уюшни кўзлашяпти.

Ҳабиб ака бошлиқ ширкатнинг 18 нафар аъзоси бор. Шулардан 8 нафари ХДП аъзоси. Ҳабиб ака ҳамиша: "Партиямиз — жамиятнинг етакчи сиёсий кучи, шундай экан, биз, партия аъзолари ҳам халқ орасида етакчи бўлишимиз керак", деб қайта-қайта гапиради. Туман ҳокимининг "Эътиқоди имондай бутун", деган таърифи бағоят тўғри. У ана шу эътиқодига қатъий амал қилиб, одамларни ўзига эргаштира олади, яхши ишларга йўллайди. Айниқса, ёшларга раҳнамолик, устозлик қилишга жуда моҳир. Мураббийларга хос насиҳатни ҳам жойига қўяди. Президентимиз юритаётган сиёсат моҳиятини чуқур англаб, одамларга тушунтиришни ўз партиявий бурчи деб билади.

Ширкатнинг партия аъзоси бўлган бошқа чўлқуварлари ҳам Ҳабиб акадан ўрнак олиб, меҳнатда ўзларини кўрсатишга интиладилар. Жумладан, моҳир механик-ҳайдовчилар Исоқул Қорабоев билан Тугал Мамадалиевларнинг ҳар бири ҳозиргача 130 тоннадан пахта теришди. Бедачилик звеносига бошчилик қилаётган Ўктам Жумаев ва оддий ишчи Дониёр Алибоевлар ширкатдагина эмас, бирлашмада барчага намуна.

Ширкат далаларида йиғим-терим авжида. Чўлқуварлар ялпи ҳосилни 550 тоннага етказиш орзуси билан меҳнат қиляптилар. Ҳисоб-китоблари жўяли. Ана шу ҳосилнинг 340 тоннаси давлат буюртмаси бўлса, қолган 210 тоннаси ўз тасарруфларида қолади. Бу, камида 70 тонна тола дегани. Пулга чақилса, нақд 1,5 миллион сўм бўлади.

Бирлашма пахтакорлари куни-кеча ғалаба манзилига етдилар. Давлатга 8,5 минг тонна ўрнига 9 минг тонна "оқ олтин" етказиб берилди. ХДП аъзолари Қувондиқ Боймирзаев, Тошпўлат Эргашев, Карим Ражабов ва Абдурашид Сафаров бошлиқ ширкатлар жамоалари ҳозир режага қўшимча тарзда пахта топширяпти. Улар ўз меҳнат ютуқларини Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уч йиллигига бағишладилар. Бизнинг партиямиз аъзолари ана шундай эл етакчилари ва юрт фидойиларидир.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Партиямиз фаоллари

ЕЛКАДОШ

Шоирнинг номини халқ қўтариб юради. Унга меҳр қўяди, меҳр кўргузади. У ҳам ўз навбатида она халқига, Ватанига ҳар қадамда ўзининг қарздорлигини ҳис қилиб яшайди.

Шу маънода Абдулла Орипов ҳақида сўз кетса, эл-улуснинг қай бир табақаси бўлмасин, алоҳида фахр билан "ўзимизнинг зўр шоир", деб қўяди. Дарвоқе, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов шундай ёзган эди: "Сиз унга қараб туриб, қорачадан келган шу маъсум ва беозор йигит бу қадар теран ҳаётий кузатишларга қобиллигига ишонгингиз келмас, аслида бу кузатишлар ҳосиласи — фавқулодда фалсафий қарашлар унинг тафаккурида қат-қат бўлиб етар: озгингина шу йигитнинг жимит юрагига бир дунё дарду алам, жон томирлари туташ шу заминга, мушфиқ-муштипар элга, унинг кечмишига бунчалар буюк муҳаббат, том маънодаги элу юрт қайғуси жо бўлганлигини, ишонкор бу қалбда гоҳи-гоҳида ақл бовар қилмас даражада тўфонлар қўпишини, руҳи самоларга шунча юксалиб, закоси мўъжизавор инжулар яратишини тасаввур этиш қийин эди".

Йўқ, биз бугун Абдулла Ориповнинг ижоди ёхуд дилбар шеърияти ҳақида эмас, балки халқ, қолаверса, мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги фаолияти хусусида икки калима сўз айтмоққа уриндик. Ўзи айтиб қўйибди: "Мен шоирман. Истасангиз-шу!" Лекин Абдулла Орипов ҳеч қачон, ҳеч маҳал ўзини элнинг, юртнинг дардидан айри тутмади. Доимо қувонч-ташвишларига шерик бўлди. Қувонса-қувонди, қайғурса-қайғурди. Бир юртпарвар инсон бўлса шунча бўлар-да. У шўролар салтанати давридаям ўзининг мардона сўзини айта олди. Бугун эса...

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаёт йўлларида унинг ҳам алоҳида ўрни бор, десак янглишмаймиз. Истиқлолга эришган йилларни эсланг. Абдулла Орипов ёзган Давлат Мадҳияси қабул қилинган лаҳзалар... У кунларни унутиб бўлармиди? Ана шу бетакрор тарихий кунларда у ўзини шу озод Ватаннинг бир парчаси, деб ҳис қилди ва янгидан ташкил этилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига ўтди. Вақт югурик экан. Уч йил ортда қолди. Лекин бу уч йил мамлакатимиз тарихида ўзининг ўчмас изини қолдиргани, қолаверса, Ўзбекистон дунёда ўз ўрнини, овозини топиб олганини алоҳида фахр билан айтсак ярашади. Абдулла Орипов эса партиямизнинг дастлабки синов лаҳзаларида ҳаммаслакларига, партиядошларига елкадош бўлди. У Марказий Кенгаш аъзоси сифатида партия ташкил этган турли учрашувлар, суҳбатлар, қабулларда қатнашди, тарғибот гуруҳлари таркибида республикамиз вилоятларида, меҳнаткашлар ҳузурида тез-тез бўлиб туради. Қаерга борса, Президентимизнинг Ўзбекистонда олиб бораётган одилона сиёсатини оғишмай амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшаётган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мақсад ва вазифаларини, йўналишларини, Миллий истиқлол мафкураси ғояларини элдошларига етказди.

Абдулла Орипов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумларида, турли йиғинларда ҳам сўзга чиқиб, партиядошларига дардларини тўкиб солади, юртимиз равнақи, халқимиз ташвишлари тўғрисида куйиниб, ёниб сўзлайди, муштарак ишимиз учун қайгуради.

Уч йил... Майли, бу тарих учун қисқа муддатдир. Лекин Ўзбекистон, қолаверса, истиқлол фарзанди саналмиш партиямизнинг уч йиллиги байрамида Абдулла Ориповдек халқимизнинг фидойи фарзандлари меҳнатини айтиб ўтсак, хайрли бўлади. Шоир халқи учун яшайди. У доимо халқ билан бирга.

Н. ҚОДИРОВ.

Халқ демократик партияси билан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ бу икки жамоат ташкилоти ўзаро мустаҳкам амалий ҳамкорликни йўлга қўйишган. Зеро, партиянинг келажаги кўп жаҳатдан умидли ворисларимиз бўлмиш ёш авлодга, уларнинг орзу-умидлари, ғайрат-шижоатига ҳам боғлиқдир.

СУРАТДА: Ёшлар Иттифоқи Тўрткўл туман қўмитаси биринчи котиби К. Қиличев ХДП туман кенгаши билан биргаликда ўтказилган ёшлар танловларидан бирининг ғолибларига мукофотлар топширмоқда.

Қурултой делегатлари ҳақида ҳикоялар

ТОШБОТИР ВА УНИНГ МАСЛАКДОШЛАРИ

Тошботирни кўпдан буён танийман: кўринишидан оғир, вазмин туюлсада, тиниб-тинчимайди. Ҳар куни битта ташаббус билан чиқади. Шу боис нафақат тенгдошлари, балки бошқалар ўртасида ҳам обрў-эътибори катта. Бугунги кунда Тошботир Мақсиддинов Р. Маҳманов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг ўринбосари, шу билан бирга у хўжалик бошланғич партия ташкилоти котиби вазифасини ҳам бажармоқда.

Шуни алоҳида айтиш керакки, хўжалик Пахтачи туман партия кенгашининг таянч ташкилотларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ХДП аъзолари сони юз нафарга яқинлашиб қолди. Яқинда хўжалик йиллик пахта тайёрлаш режасини уддалаган куни яна беш кишига партия билетлари топширилди.

— Муҳими бугунги кунда партия аъзоларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши ва барча масалаларда маслакдошлигидир, — дейди Тошботир. — Бу борада хўжалик бошқаруви раиси, партиямиз аъзоси Т.Бердиёров барчамизга ибрат. У киши ҳар бир масалада партия ташкилотимиз, фаолларимиз билан бамаслаҳат иш кўради. Муҳим масалаларга бизларни жалб этади. Тўхташ ака Иброҳимов, О.Бобоқулов каби нафақахўр фаолларимиз лозим пайтда масалаҳатларини аяшмайди, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришади. Айтгандай, Умрзоқ Бобохолов, М. Хўжаев, И. Шовқиев, И. Эшбоев каби партия аъзолари саркорлик қилаётган бригадаларда ишлар аъло. Бу жамоалар йиллик пахта тайёрлаш режасини ҳам пешқадамлар сафида бажаришди. Фақат булар эмас, хўжаликдаги ҳар бир ХДП аъзоси ўз вазифасига масъулият билан ёндашади. Шу туфайли хўжалигимизда кейинги пайтларда катта ютуқларга эришилмоқда.

Тошботир ҳақ гапни айтди. Бу ерда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилган. 900 бош қорамолни тўртта ҳиссадорлик жамоасига бўлиб бериб ган. Шу боис бу соҳада ўсиш катта. Жорий йилда ғалладан 40 центнердан ҳосил олинди. 360 гектар майдондаги дон ниҳоллари аллақачон баравж ривожланмоқда. 7 та маҳаллада 10 та тегирмон бор. Аҳоли табиий газ ва ичимлик суви билан тўла таъминланган. Деҳқонларга шу йилнинг ўзида экин учун 160 гектар қўшимча ер берилди. Зарафшон бўйларида етиштирилган 80 тонна шоли жамоа аъзоларига арзон нархда сотилди. Бундан ташқари, пахтанинг ҳар 5 килограмми учун бир килограммдан арзон нархда буғдой бериб борилди. Моддий манфаатдорликни, ғамхўрликни ҳис этаётган деҳқонлар жон куйдириб меҳнат қилишмоқда.

— Дарҳақиқат, моддий манфаатдорлик туфайли кишилар ўз томорқаларидан унумли, оқилона фойдаланиш йўлларини қидирмоқдалар, — дея сўзида давом этди бошланғич ташкилот котиби. — Натижада тўкинлик, сероблик юзага келяпти. Президентимизнинг оқилона фармонлари мақсади ҳам шу эмасми? Биз иқтисодиёт деб маънавий турмушни унутган эмасмиз. Қишлоқларда, маҳаллаларда, мактабларда тез-тез учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб турамиз. Кунлик режани бажарган бригадаларда қизиқарли тадбирлар уюштирилди. Яқинда қариялар ва кам таъминланган оилалардан бир гуруҳини "Ўзбекистон овози" ҳамда вилоят партия ташкилотининг нашри — "Регистон" рўзномаларига бепул обуна қилдик.

Фармон ТОШЕВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



БУХОРОНИНГ БАРАКАЛИ ХИРМОНИ

ТЕР ТЎККАНГА — ЕР ТЎКАР

Ўшанда саратон эди. Ҳаво тандирдек қизиган, сароб жимирлайди. Ҳозиргина даладан қайтган ҳокимнинг чеҳрасидаги чарчоқни пайқаш қийин эмасди. Элмурод ака оёғидаги этикнинг чангини оҳиста қоқаркан, кабинетга чиқайлик деган маънода бизга юзланди. Ортидан юрдик.

— Оромини ўйлаган раҳбар ютқазади, — деди у зинапоядан вазмин юқорига кўтариларкан. — Айни иссиқда ғўзанинг ривожини кузатсангиз, чамангизни билиб оласиз, шундайми? Аммо...

Ҳоким шундай деб бир пас жим қолди. Назаримда у кимдандир хафадек, чеҳраси тундлашди. Шу кабинетига кириб, совуқ чойдан ҳўпларкан, сўнг кулимсираб сўзида давом этди:

— Ялқовлик биз, бухороликларга ярашмайди. Сабаби қаттиқ, тер тўкиб меҳнат қилмасанг ернинг жавоҳир сандиғини очмайсан. Еримиз шўрланган, айрим жойлари тошлоқ. Фақат ақл билан ишлаш лозим.

Элмурод ака Шомуродов бу гапни шунчаки айтмади. Ўн йил хўжалик раҳбари бўлиб ишлаб, сўнг туманнинг раҳбари бўлган уста деҳқоннинг хулосаси бу! Ҳокимлик раислик эмас, кафтдек хўжалик ташвишини эмас, балки бутун бошли туманнинг ташвишини, қувончини ўйлайди. Масъулият, ориятчи? У кишининг таъкидлашича, саратонда ҳам, асад ойида ҳам ғўза билан ҳамдард бўлган ютади. Шу боис у бугун тумандаги барча раислар билан бирга пахта далаларини пиёда айланиб чиққан. Ривожланишдан орқада қолган ғўза майдонларига дуч келганда юраги санчган. Айрим раҳбарлар билан орани очиқ қилган. Ҳа, ҳам талабчанлик, ҳам ғамхўрлик керак. Лекин ҳаммасининг ўрни, вақти бор. Темирни қизиганда босиш керак, пайсалга солсанг, аттанг деб қолиш ҳеч гапмас.

— Ҳар ҳолда ҳосил чўғи ёмон эмас. Халқимиз ишлаяпти, — ҳоким шундай деб ўзига тасалли бермади, тўғрисини тан олиб айтганди ўшанда.

Мана, бугун Элмурод аканинг ҳам, бригадирдан тортиб, тиним билмас сувчи, тракторчи, раҳбарларнинг ҳам чеҳрасида табассум. Юзи ёруғ уларнинг, ҳорғинлик ўрнини хушкайфият эгаллаган. Туманда 10.126 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил олиниб зафарномага 18 октябрда имзо чекилди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг пахта хирмонига 34200 тонна аъло навли хом ашё сотдилар.

— Бу йилги оғир табиий шароитда ҳам ўз сўзимизнинг устидан чиқдик, — дейди "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Нуриддин Саъдуллаев. — 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан ошириб дурдона етиштирдик. Бу ютуқнинг омили пахта етиштиришда оила пудратининг жорий этилишидир.

Ҳа, бу усулда ишлаш туманда янгилик эмас.

Бухоро тумани деҳқонлари ҳаммадан илгари — бундан 4-5 йил олдин бу усулга ўтгандилар. Биринчи жорий йилда "Чорбакир" жамоа хўжалигида пахта етиштирувчи 450 пудратчи фаолият кўрсатди. Шу боис хўжалик илғорлар сафидан жой олди. Режадаги 3626 тонна ўрнига 3700 тонна "оқ олтин" топширилди. Даладаги ҳосил хирмон салмоғи 4250 тоннага етишини кўрсатиб турибди. Убайд Мирзаев, Фатхулла Ҳикматов, Ботир Ширинов, Рамазон Рашидов сингари пудратчи оилалар 60 центнердангача ҳосил олдилар.

Мурод ҳосил бўлди. Тумандаги 202 та бригаданинг аксарияти режани уддалади. Бунга Республика Вазирлар Маҳкамасининг теримчи ва механизаторларни иқтисодий рағбатлантириш тўғрисидаги қарори, теримни тадбирлик билан уюштириш бош омил бўлди. Теримчиларга ҳар беш кунда пахта пули бериб борилди. Галаосиё шаҳридаги барча йирик ташкилотларнинг жамоалари пахтакорга кўмакдош бўлиши арғамчига қил қувват бўлгандек катта куч бўлиб намоён бўлди.

— Меҳнат қилиб топганинг, қанду-асал тотганинг деган нақл жуда пурмаънодир, — суҳбатни ғалаба кунида ҳоким билан давом эттирдик. — Ғу йил даромад ҳам салмоқли бўлса керак.

— Албатта. Давлатга топширилган ҳосилнинг 33 фоизи деҳқонларимиз ихтиёрида қолади, — деди мамнун ҳолда Э. Шомуродов. — Бу 4000 тонна тола демакдир. Шунинг ўзи бизга 13 миллион сўм олиб келади. Ҳали яна режага қўшимча 3800 тонна пахта сотамиз. Бунинг ҳаммаси ўзимизники. Келадиган даромад ҳали турмуш шароитини яхшилашга сарфланади, албатта.

Шуни таъкидлаш керакки, туманда иқтисодий ислоҳотнинг дадил одимлаётгани учун чорвачилик, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бултургидан анча ошиқдир. Дон экиш қизғин боряпти. Эрта-индин 5100 гектар ерга ғалла экиш тугалланади.

Ҳа, галаосиёликлар мудом вилоятнинг пешқадамлари сафида бораверадилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Қоракўл туманидаги "Халқобод" жамоа хўжалиги меҳнаткашлари вилоятда биринчилардан бўлиб йиллик режани ошириб бажарганди. Бунда механизаторларнинг улуши катта бўлди.

СУРАТДА: (ўнгдан чапга) жамоа хўжалиги раиси Собир Азимов мавсумда 100 тонна пахта теришга эришган механик ҳайдовчи (чапдан биринчи) Бобоқул Аллақуловга мукофот топширяпти.

С. ПОЛЕТАЕВ олган сурат.

ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

Ҳосилни етиштиришдан тортиб, йиғиштириб олишгача техника шарофатидан баҳраманд бўлмаган деҳқоннинг ўзи йўқ. Буни туманимиз мисолида кўрса бўлади.

Туманимизда пахта тайёрлаш режасининг биринчи бўлиб уддаланиши — техника туфайли. Ватан хазинасига топширилган 30 минг тоннадан зиёд пахтанинг анча қисми терим агрегатлари ёрдамида терилди. Бунинг учун кенг йўл очилди. 3000 гектар ердаги ғўзанинг барги сунъий тўктирилди. Бу хўжалигимизда катта майдонларни ташкил қилади. Шу боис қарийб 800 тонна пахта машинада терилди.

Хўжаликнинг биринчи бўлиб режани бажаришида А. Саломов, Х. Ўраев сингари ҳамкасбларимнинг ҳиссаси беқиёслигини ҳамма билади. Ҳар биримиз 125-260 тоннадан пахта тердик.

Бундан ташқари, машинада пахта теришда техника қудратини Ф. Хўжаев номли жамоа хўжалигидан А. Раҳматов, "Оқ олтин" жамоа хўжалигидан Ҳ. Хўжақулов, Б. Сандов, Б. Тўраевлар яққол намоён этдилар.

Баҳодир КИЛИЧЕВ,
Олот туманидаги "Олот" ижара хўжалиги механик ҳайдовчиси.

МУРОДИМИЗ ҲОСИЛ БЎЛДИ

"Умид билан сочсанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ" деб бежиз айтилмаган. Деҳқонларимиз бу ақидага амал қилиб, эрта баҳорда яхши ният билан ерга чигит қадашди. Ер шароитимиз оғир бўлса ҳам, заминни фарзандимиз ўрнида кўрдик. Очиқ, экилмаган ер қолмади. Сабаби силжийдиган жойимиз, "ёнг учидаги" еримиз йўқ. Шу боисдан ҳам боридан имкон қадар фойдаланишга, мўл ҳосил олишга интиламиз. Боримизни ерга берамиз, умидимиз ҳам, ризқимиз ҳам заминдан.

Сен ерга берсанг, ер сенга бераркан. 734 гектар майдонда деҳқончилик қилдик, чигит униб чиқиши билан экин бошида парвона бўлдик, ниҳолларни ҳар хил офатдан асрадик. Айниқса, август ойидаги гармсел иродамизни синади. Ниҳол остида мудом сув бўлгани учун ҳосилни сақлаб қолдик. Очиғини айтсак, сувга қўшилиб ғўзага борди. Натижа ёмон бўлмади, ҳосилдан муродимиз ҳосил бўлди. Давлатга қарийб 3 минг тонна пахта сотиб, йиллик режани туманда биринчи бўлиб бажардик.

Бугун вилоятимизда ҳам режа уддаланди. Унда бизнинг улуш ҳам борлигидан мамнунмиз. Ҳозиргача 3300 тоннадан знёд пахта топширдик, ҳосилдорлик 40 центнердан ошиб кетди. Ҳосилнинг қарийб юз фоизини юқори навларга сотганимиз ҳам катта ютуқ, даромад.

Н. Бозоров, К. Исоқов, Н. Файзуллаев, Ж. Рамазонов сингари илғор ва тадбиркор деҳқонлар бош бўлган бригадалар ҳар йилгидан знёд ҳосил йиғиштириб олдилар. Ёки, К. Розиқулов, О. Остонов, С. Мухторов, Ғ. Ахмедова, У. Умарова, Н. Неъматова сингари ўнлаб пудратчилар икки ҳисса ҳосил кўтарганликлари мақтовга сазовор.

Асрор БОБОЕВ,
Вобкент туманидаги Рўзи Ҳусенов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

Санъат

ТАНИШИНГ: "ШАЙБОНИЙХОН"!

Муҳаммад Рафиқов Бухорода туғилган. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатгач, дастлаб Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида, сўнг Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театрида хизмат қилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Актёр томонидан яратилган "Бобур" видеофильмидаги Шайбонийхон, "Кеча ва кундуз"даги Акбарали мингбоши, Насрулло Қобул қаламига мансуб "Амир Музаффар" асаридаги Амир Музаффар сиймолари телетомошабинлар қалбидан чуқур жой олган, десак муболаға бўлмайди.

— Муҳаммад ака, Сиз ўнлаб катта-кичик образлар яратгансиз. Лекин ёзувчи Пиримқул Қодиров қаламига мансуб "Бобур" романи асосида тайёрланган видеофильмда Шайбонийхон ролини ўйнадингиз-у, бирдан назарга тушдингиз. Айтингчи, танилиш яхшими!

— Албатта, яхши. Бу ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган бахт.

— Шайбонийхон образининг халққа манзур бўлишига сабаб нима деб ўйлайсиз!

— Шайбонийхон тимсоли ҳақиқатан ҳам халқ қалбидан чуқур жой олди. Маълумки, у тарихий шахс, ҳаёти мураккаб кечган. Бу зотнинг кўп қирралари халққа маълум эмас эди. Унинг сермулоҳазалиги, динга эътиқодлилиги, қалбининг поклиги, айниқса, халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиши томошабинлар қалбида муҳрланиб қолди. Қолаверса, мен Шайбонийхон сиймосини яратиш жараёнида тарихий манбаларни изладим. "Шайбонийнома" асарини чуқур ўрганиб чиқдим.

Бундан ташқари, турли адабиётлардан бу улуғ инсон ҳақидаги фикрларни, лавҳаларни ўргандим. Унинг дунёқараши кенг, мушоҳадаси юксак, мақсади улуғ инсон бўлганлигини юракдан ҳис қилдим. Шу боисдан Шайбонийхоннинг мусулмон аҳлини бирлаштириш каби олий мақсадини, инсоний фазилатларини ойнаи жаҳонда гавдалантиришга ҳаракат қилдим. Айниқса, қаҳрамон тили устида кўп ишладим. Узоқни ўйлаб иш тутиш ҳаммага манзур бўлди. Ҳар ҳолда мен ҳаётдаги Шайбонийхон билан саҳнадаги Шайбонийхонни бир-бировига яқинлаштиришга ҳаракат қилдим.

— Айримлар кейинги яратилган Акбарали мингбоши, Амир Музаффар образларингизни "Шайбонийхон" даражасига кўтарилмади, деган фикрларниям айтди...

— Бу энди ҳар кимнинг табиати билан боғлиқ кечинма бўлса керак. Барибир баҳони, ҳар қандай шароитда ҳам томошабин беради. Келинг, яхшиси улар фикр айтсин.

— Кўплар, айниқса санъат соҳасида ишлайдиганлар "агар марказдан узоқда яшасанг номинг чиқмайди", деган гапларни айтиб юради. Сиз Бухорода туриб...

— Тошкентдаям роллар бажаряпсиз, демоқчисиз-да. Ҳақиқий актёр учун ролнинг катта-кичиги бўлмаганидек, манзилнинг ҳам узоқ-яқинлиги билинмайди. Айтадилар-ку, қозонда бўлса чўмичга чиқади, деб. Одамнинг ўзига боғлиқ. Санъатда ярим-ёрти иқтидор билан узоққа бориш қийин. Шу маънода баҳоли қудрат изланяпман.

— Бухоро телерадиокомпаниясида режиссёрлик ҳам қиларкансиз. Тарозунинг қайси томони босиб кетяпти!

— Ҳозирча ажратганим йўқ. Тенг десам бўлади. Чунки ҳаёт ўрганиш ва ўргатишдан иборат. Кимларгадир устозлик қилганман. Шу жиҳатдан олиб қараганда режиссёрлик касби менга бегона эмас. Телевидениеда намойиш этилган ҳар бир кўрсатув халққа манзур бўлса, билингки, режиссёрнинг хизмати катта. Чунки барча чизгилар унинг йўл-йўриғи билан бўлади. Бу мендан катта масъулият талаб қилади. Театр санъати эса телевидение санъати билан чамбарчас боғлиқ. Демак, икки тараф ҳам баравар.

— Оилангиз ҳақида...

— Аёлимиз Ҳабибахон ўқитувчи. Уч фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Катта қизим Насиба онасининг изидан кетди. Кичигимиз Феруза тиббиёт институтида таҳсил оляпти. Абдулла эса Бухоро шаҳар давлат солиқ назорати бўлимида хизмат қилади. Нев рамиз ҳам бор.

— Ниятингиз қандай!

— Ҳали умидлар кўп ҳаётдан. Ҳар бир инсон бугунни эмас, эртани ўйлаб яшаши керак. "Шайбонийхон" менга кўп нарса берди. Бир томони синов бўлса, иккинчи томони элнинг назаридан ўтдим.

Энди катта ниятлар туғиляпти-да.

Вали БОБОМУРОД суҳбатлашди.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Қадрли муштарийлар!

Севимли газетангиз "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"га обуна бўлдингизми? Ҳозир республиканинг барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетаси учун 1995 йилга обуна давом этяпти.

Сиз "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"газетасида республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги янгиликлар, бутун жаҳонда бўлаётган воқеалар, шунингдек, турли рукнлар остида барча соҳаларга, сиёсий партиялар фаолиятларига тегишли хабарлар билан танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Яширмаймиз, газетамиз чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилади. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, унга ОБУНА БЎЛИНГ!

Билиб қўйинг, бизнинг газетамиз обуна баҳоси республика етакчи рўзномалари орасида энг арзонидир.

Фуқаролар учун:

бир йилга — 252 сўм,
олти ойга — 126 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга — 528 сўм,
олти ойга — 264 сўм.

Обуна — 95

БУТУН ЖАМОА ЎҚИЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини изчил амалга ошираётган Пахтаобод тумани ижтимоий ёрдам бўлими ходимлари келаси йилда ҳам "Ўзбекистон овози" газетасини узлуксиз олиб ўқийдиган бўлишди.

— Газетага бутун жамоа билан обуна бўлишга хоҳиш билдирдик, — дейди бўлим мудири, партия аъзоси Ғ. Абдураҳимов. — "Ўзбекистон овози"га бўлган меҳр-муҳаббатимиз бизни шунга даъват этди. Газета мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим воқеа ва янгиликларни изчил ёритмоқда. Юртбошимиз Фармонларининг ижросини ўзида мунтазам акс эттириб боряпти. Партия ҳаётига оид муҳим масалаларни дадил кўтариб чиқмоқда. Шу боис ҳам ўз йўналишларимизни белгилаб, бошланғич партия ташкилоти фаолиятини яхшилаб, нуфузини оширяпмиз.

Ғ. Абдураҳимов фаол партия аъзоси, ташкилотчи раҳбар. Пахтаобод туманида уни билмайдиганлар кам. У бошқараётган бўлим тумандаги якка-ёлғиз қариялар, қаровсиз кишиларга бир неча йилдан буён меҳр-мурувват кўрсатиб келмоқда. Хаста кўнгилларга умид бахш айлаяпти.

Республикамиз Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган элпарвар Фармонини амалга ошириш юзасидан иш олиб борадигар бундай бўлимнинг фақат Пахтаободда фаолият кўрсатаётгани туман раҳбарларининг бу соҳага бўлган жиддий эътибори туфайлидир. Ижтимоий ёрдам бўлими туманда катта ишларни амалга оширди. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган "Хайрия" ошхонасида мана беш йилдирки, 30 нафар қария ҳар куни текинга овқатлантирилмоқда. Қолаверса, улар байрамларда йўқланиб, бўлимнинг совғасаломларини олишяпти. Бўлимда 21 мутахассис ишлайди. Уларнинг ҳаммаси ХДП аъзоси. Ғуломқодир Абдураҳимов бўлимни бошқариш билан бирга бошланғич партия ташкилотига ҳам етакчилик қилади. Партия аъзолари билан ҳамжиҳатликда иш олиб боради.

Пахтаободлик 121 нафар қариянинг яқинда боши осмонга етди. Ижтимоий ёрдам бўлими уларнинг хонадонларига текинга 1,5 тоннадан кўмир етказиб берди. Транспорт харажатларини ҳам ўзи қоплади.

Саховатли кишиларнинг беминнат ёрдамларидан баҳраманд бўлаётган еши улуғ отахон ва онахонлар қўлларини дуога очиб, юртимизга тинчлик-омонлик тилашмоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ, "Ўзбекистон овози" мухбири.

Арғумоқ остингдадир

ТОМОҚ ОҒРИҚНИНГ ДАВОСИ

Куз келиб, кунлар совий бошлагач, одамлар об-ҳаво табиатига мослашолмай шамоллаш, бел оғриқнинг тутиб қолиши ҳамда томоқ оғриғи каби дардларга кўпроқ чалинадилар. Табобат тилида томоқ оғриғини ангина деб юритишади. Айтишга жўн бу касалликнинг оқибатлари тан-сиҳатлик учун қанчалик зарарли эканлиги эндиликда ҳаммага аён. Бир неча кунгача овқатланишда қийналиш, иситманинг ҳуруж қилиши каби лоҳасликдар тинкани қуритади.

Уриниб кўрса бўладиган, жўнгина тайёрланадиган бир малҳамни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Бунинг учун юз грамм асал, бир ош қошиғида малина мураббосини пиёлага, яхшиси чинни кружкага солиб, аралаштириб турган ҳолда жуда суст оловга қўясиз. Қизиғи шундаки, асал ҳарорат 60 даражага етмаёқ суюлади. Шунинг учун эритманинг қайнашига йўл қўймай дарҳол ўтдан олиб, катта ҳўплаб ютишга ҳаракат қилинг. Жилла борса, қайноқ чой ичгандек бўласиз. Кейин ўринга ўралиб ётинг. Эрталабгача шифосини берса, "отдай" бўлиб, кўзларингиз мошдай очилади. Бу бир неча марта тажрибадан ўтказилган. Қарийб 15 йилгача ангинага чалинмаслик мумкин.

Борди-ю, томоғингиз куйиб қолишидан қўрқсангиз, биз тавсия қилган малҳамдан фойдаланганда кейин мумиёнинг сувдаги эритмасини икки маҳал чой қошиғида ичиб юринг. Худо хоҳласа, ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасиз.

МАРҒУБА БУВИ.

Бунинг қаерига пуфлашаркин-а...

Абдувоҳид ТЎРАЕВ сурат-лавҳаси.

Спорт

УЧРАШУВДАН КЎНГИЛ ТЎЛМАДИ

Маълумки, Осиё ўйинларида миллий терма жамоамиз эришган ғалабада "Пахтакор" ва "Нефтчи" футболчиларининг ҳиссалари катта бўлгани ҳаммага аён.

Шу боис мухлислар 23-турдан кечиктирилган "Пахтакор" - "Нефтчи" жамоалари ўртасидаги учрашув кўтаринки руҳда, муросасиз баҳсларга бой бўлади, деб кутишган эди. Афсуски, учрашув "Пахтакор" ўйингоҳига тўпланганларда яхши таассурот қолдирмади. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади. Умуман, 24-тур ўйинларидан кейин пешқадамлар мавқеларини бироз мустаҳкамладилар. Мавсум бошидан бери мағлубият нималигини билмай ўйнаётган "Нефтчи" 38 очко билан биринчи бўлиб турибди. 34 очколи "Нурафшон" иккинчи ўринда бормоқда. "Темирйўлчи" ва "Политотдел" жамоаларида 31 тадан очко тўпланган бўлса, "Навбаҳор" 30, МХСК футболчилари 29 очко билан кучли олтиликдан жой олишган. "Пахтакор" ҳисобида 28 очко бор.

ПЕШҚАДАМЛАР БАҲСИ

Эртага биринчи лига жамоалари ўртасида мамлакат миллий футбол чемпионатининг навбатдаги учрашувлари бўлади.

Бундан олдинги тур ўйинларида эса юқори ўринларни эгаллаб турган жамоалар ўзаро куч синишишди. Хусусан, пешқадам Самарқанд динамочилари 3-ўринда бораётган "Кушон"майдонида имкониятни (0:1) бой беришди. 2-ўриндаги "Машъал" эса 4-ўринда бораётган зарафшончилар меҳмони бўлиб, улар ҳам шу ҳисобда ютқаздилар.

КУЧЛИЛАР САФИГА

Наманган, Бухоро ва Чирчиқда 2-лига жамоаларининг ўтиш учрашувлари ўтказилди.

Наманган гуруҳида маҳаллий "Наврўз" футболчилари биринчи лигага йўлланма олишган бўлса, Бухорода Тошкент вилоятининг "Чирчиқ" жамоаси келаси йилдан кучлилар сафида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди. Чирчиқ гуруҳида куч синашган Тошкент вилоятининг "Маданият" футболчилари ҳам шундай имкониятга эга бўлишди.

"Ўзбекистон овози"нинг навбатдаги сони 2 ноябрь, чоршанба куни чиқади.

ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!

Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган

"Яккабоғсут"

очиқ ҳиссадорлик жамияти фуқаролар учун

акциялар

чиқара бошлади

Ҳиссадорларга йил охирида уларнинг сотиб олган акцияси миқдорига қараб дивиденд (фойдадан ажратма) тўланади.

Агар сиз пулларингиз тез орада фойда келтиришини истасангиз

акцияларни сотиб олишга шошилинг!

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингиз мумкин: Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Жўра Тилавов кўчаси 12 уй

"Яккабоғсут" очиқ ҳиссадорлик жамияти.

Телефон: (8. 375. 58) 23-393.

МУКАРРАМ ШИФОКОР

У камгап. Камтарин ва содда. Ўтган-кетгандан сўрасангиз, "ҳа, энди олтмиш йил яшаб, кам бўлмадик. Шукрки, ёнимизда суянсам суяйдиган ишончли шогирдларим кўп", деб қўяди.

Мукаррам аканинг мутахассислиги — жарроҳлик. Қирқ йилдан бери тиббиётнинг нонини еб келяпти. Эллигинчи йилларда Қамаши туманида қишлоқ касалхонасида иш бошлаган Мукаррам Аслоновни ҳалигача Қашқадарёда кўрганбилганлар "зўр дўхтир эди, каттами-кичикми қараб ўтирмасди. Ҳаммага бир кўз билан қарарди", деб эслайди. У киши ана шу йиллар орасида вилоят шифохонасида бош шифокор, Касби туманидаги марказий шифохонада бош ҳаким бўлиб ишлади.

Айниқса, вилоят шифохонасида ишлаган йиллари унинг хотирасидан ўчмайди. Чунки катта жамоанинг ташвиши унга йирик мактаб вазифасини ўтади десак, муболаға бўлмас. Боиси, ўша олтимишинчи йилларнинг ўрталари, етмишинчи йилларнинг бошларида тиббиёт соҳаси анча орқада эди. Муаммолар кўп, тиббий асбоб-ускуналар тақчил маҳалларни эсга олсак, Мукаррам акага ўша пайтларда ниҳоятда оғир ва масъулиятли вазифа юкланганлигини ҳис қиламиз.

Ҳали-ҳалигача кўплар эслайди. Гўё бир кун бош шифокор ишга келмаса, ҳайҳотдай шифохона ҳувиллаб қолгандай сезиларкан. Нега десангиз у киши остонадан ўтдими, хизматчиларни-ку қўяверинг, ҳатто беморларнинг ҳам кайфияти тоғдай кўтариларкан. Шундай бўлса-да, Мукаррам Аслонов оғир йилларда кўпчиликнинг дардини олди. Нуфузли маҳкамаларда ўз ҳамкасбларининг, қолаверса, ўнлаб, юзлаб дард чекиб юрган беморларнинг ғамташвишларини енгиллатиш йўлида тинмай ишлади. Замонавий тиббий ускуналарнинг вилоят миқёсида тарқалишига улуш қўшди. Шунинг учун ҳам ўша йиллари айрим оғир касалликларга чалинганлар нажот истаб вилоятнинг марказига келадиган бўлдилар. Вилоят шифохонаси республикада обрў-эътибор топа бошлади.

Мукаррам ака ҳозир ҳам тиним билмайди. Касби туманидаги поликлиникада бошчи. Ҳар куни тиббиёт маскани остонасидан ўз дардига малҳам истаб келаётган инсонларга ҳамдард. Шогирдларига имкон қадар ўзларининг беминнат хизматларини халқдан ҳар доим аямасликларини тайинлайди. Бемор ким бўлишидан қатъи назар, у оддий ишчими, мелиса ходимими ё раҳбарми унинг учун ҳамма баббаравар. "Ўз оти билан бемор бўлганидан кейин шифокор ҳар қандай шароитда ҳам ўз ёрдамини бериши шарт", деб қўяди Мукаррам ака.

Сўзимизнинг бошида у киши ҳақида гапириб, камтарин ва соддалигини эслатувдик. Ўзи ҳақида бирон нарса қоралаётганимизни эшитиб, тайинлади: "кўпам мақтаб юборманг, иним. Биз дўхтирларнинг касбимиз нозик. Ўтган умримнинг ярмидан кўпи ана шундай жиддий имтиҳонлар билан ўтди. Озми-кўпми, элдошларимиз гапириб юради. Шунинг ўзи мен учун етарли..."

М. БОБОЖОНОВ.

• Ранг-баранг олам

ЁЛҒОНЧИНИНГ УЙИ КУЙДИ

• Билсангиз, қоровуллик жуда зерикарли, айниқса қишлоқ жойларда. Шунинг учунми, Нижегород областининг Гагин районидаги фермалардан бирида қоровуллик қилувчи Александр Паутов тунда зерикмаслик йўлини топди. У чоғроқ уйига ўт қўйиб, ўзи ҳам томоша қилмай, уни ўчиришга киришиб кетди. Ҳамқишлоқлар саросимада ўт билан олишиб, энди тинчишганда, қоровул яна бир "ҳунар" кўрсатди. У аввал бир уйга, кейин ҳаммомга ўт қўйди. Аммо ёлғончининг сири очилди. Энди тунда ҳаловатини бузган қоровул бор-йўғи 4 миллион сўм жарима тўлайдиган бўлди.

ҲАРБИЙНИНГ ЎН ИККИ ҚАЙЛИҒИ

• Бир қарашда ишонгинг ҳам келмайди. Лекин березниковлик П. Александр исмли прапоршчикнинг ўн икки нафар жазмани бўлгани аниқ. Чунки у билан муомалада бўлган аёллар собиқ куёв бўлмишдан қарзларини ундириб беришларини сўраб, милицияга мурожаат этишган. Ўзига хос "Дон Жуан" шундай устомон ва товламачи эдики, танишган аёлу қизлар билан қариндошдек бўлиб, ҳатто уларнинг оиласида яшай бошларди. Уйланишга ваъда қиларди. Шу билан бечора келин бўлмишлару қайнота-қайноналар ишониб, сарф-харажатлар учун унга пул ҳам беришарди. Александр эса мўмайгина даромадга эга бўлгач, жуфтакни ростларди. Маълум бўлишича, бу кимса ҳомиладор аёлдан ҳам воз кечиб, алимент тўлашга чап берган экан.

ҚОРА ДОРИНИ ЮТГАН ОДАМ

• Жакарта аэропортининг божхонасида антиқа ўғрилик фош этилди. Маълум бўлишича, сафарга отланган Непал фуқароси озмас-кўпмас 1,2 килограммли қорадорини махсус қадоқланган ҳолатда қорнига жойлаб, парвоз қилмоқчи бўлган.

ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН ХОТИН

• Иқтисодий танқислик Арманистонда ҳам одамларни ҳар кўйга солмоқда. Бир "тадбиркор" эр танишидан 50 минг доллар қарз олган. Вақтида қарзни қайтариш ва ишончни қозониш учун уникида ҳомиладор хотинини қолдиришни аҳдлашиб олган. Афсуски, қарзни қайтариш муддати ўтиб кетса ҳам олинган доллардан дарак йўқ эди. Бу орада аёлнинг кўзи ёриб, шартга кўра олинган қарз ҳам икки баравар ошиб кетди. Милиция хонасига келтирилган қарздор, чорасизлигини билгач, олтинчи қаватдан ўзини ташлаб ҳалок бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. Г—1228, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультети жамоаси доцент Нурилла Аҳмедовга онаси

Фотима ая ХОЛИҚУЛ қизининг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.